

### ЁШЛАРДА ШАХСИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИТОБЛАРНИНГ АХАМИЯТИ

Шодиева Шахзода Мусадилла кизи

Бурхонов Даврон Ботирали ўғли

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти 1-босқич  
докторантлари

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланган китоб ўқиш масаласи кўтарилган. Бундан ташқари ёшлар онгида китобга бўлган қизиқиш ҳаттоки давлат сиёсати даражасида бўлмоқлиги лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** китобхонлик, билим, кўникма, иалақа, имконият, иштиёқ, жамият, кутубхона, мутоала.

**Аннотация:** В данной статье поднимается вопрос о чтении книг, который считается одним из самых актуальных на сегодняшний день. Кроме того, подчеркивалось, что интерес к книгам в сознании молодежи должен находиться на уровне государственной политики.

**Ключевые слова:** грамотность, знание, умение, возможность, увлечение, община, библиотека, чтение.

**Annotation:** This article shows the issue of reading books, which is considered one of the most relevant today. In addition, it was emphasized that the interest in books in the minds of young people should be at the level of public policy.

**Key words:** literacy, knowledge, skill, ability, opportunity, hobby, community, library, reading.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолаасини ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш буйича комиссия тузиш тўғрисида”ги 2017 йил 12 январь куни Фармойиши қабул қилинган эди. Мазкур Фармойишда ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса, таълим соҳасидаги ахборот-ресурс фондлари шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир каторда бадий, маърифий,



## E- Global Congress

Hosted online from Plano, Texas, USA.

Date: 20<sup>th</sup> January, 2023

Website: <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

илмий-оммабоп адабиётлар руйхатини қайта кўриб чиқиш, чоп этилаётган китобларни оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Маънавият ва маърифат” телеканални оркали тарғиб қилиш, таълим муассасалари китоб муаллифлари билан учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш, ҳамда таълим муассасалари, айниқса, мактабгача ва бошлангич таълимда ўқиш маданиятини ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш масаласига аълоҳида эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида ўқувчиларда ўқиш маданиятини ва мутолаа кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштиришни талаб этади[1]. Мутолаа маданиятининг кадриятга йуналтирилган босқичи болаларда маънавий меросга аксиологик онг ва муносабатини қарор топтиришни талаб этади. Мазкур босқичнинг мувофақияти болаларни ўқиган китобларига қайдлар ёзиб бориш учун мутолаа кундалиги тутиш билан боғлиқдир. Маълумки, ўқувчилар ўзлари ўқиган китобларининг маъно ва мазмунини мутолаа кундалигида акс эттирсалар, уларнинг фикр юритиш доиралари, мулоҳаза қилиш кўникмалари ва ёзма нутқлари ҳам ривожланади. Ўқувчиларга кундалик юритишнинг шакли, тартиби ўргатилади, кундалик юритганда, аввало, муаллиф исми-шарифи, китобнинг сарлавҳаси, китобнинг мутолаа қилган вақти, унинг мавзуси, асосий иштирок этувчи қахрамонлари ёритилади. Шунингдек ушбу китобнинг китобхонда қолдирилган таасуроти, кўпроқ ёки қолган сатрларини ёзиш фойдадан холи бўлмайди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жойизки, ўқилган асарларни фақатгина кундаликда тасвирлаб, калбида, хотирасида сақламаслик ҳам тўғри эмаслиги айтиб ўтилиши керак. Касбий куникмалари билан биргаликда шахсий фазилатларини ўзида шакллантириб бораётган талаба булғуси касбий фаолиятида керак бўлган маълумотларни эгаллаб боради. Бугунги кунда ахборот маълумотларини излаш ва топиш анча онсонлашиб қолган, чунки унга ёрдам сифатида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари кенгаиб бормоқда. Жумладан, интернет тармоғидан ахборотларни қисқа муддатда излаб топиш мумкин. Бу албатта қатта қулайликлардан биридир. Мақоламизда интернетнинг борган сари оммалашиб бориши ва ундаги қулайликлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Лекин интернетдан олинаётган барча маълумотлар ҳам филтрдан ўтган ва ўқувчига зарарли бўлиши ҳам мумкин эканлигини таъкидламоқчиман. Ўз шахсий фикрига эга бўлмаган, фикрлаш қобилияти суст ва тез ишонувчан ўқувчига эса

## E- Global Congress

Hosted online from Plano, Texas, USA.

Date: 20<sup>th</sup> January, 2023

**Website:** <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

интернет тармоқларидан олинадиган баъзи маълумотлар нафакат зарарли балки хавфли ҳам ҳисобланади. Шунинг учун интернет тармоқларидан фойдаланувчи ўқувчиларни назорат қилиб боришимиз бурчимиздир. Айниқса, интернет орқали дунёнинг исталган қисмида содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлаётган, гуноҳ билан савобнинг фарқига бормайдиган айрим кимсалар буни ўзи ҳам такрорлаб куриш истагида бўлмайди, деб ким кафолат беради? Хеч ким. Ҳозирда ёшлар орасида интернетнинг шиддатли тарздаги оммалашуви монитор каршисида ўтирган холда нафакат социал мулоқатга киришиш ёки турли ўйинларни уйнаш. Балки, ўта махфий ташкилотлар маълумотлар базаси электрон химоя қобигини бузиш ва маълумотларни ўғирлаш, шахсий мазмундаги ахборот осонликча эгалик қилиш, давлатлараро сиёсий-мафкуравий курашларда ахборот қуроли сифатида қўлга киритилган маълумотлардан фойдаланиш каби чексиз имкониятларни тақдим этмоқда. Ёшларимиз маънавий озуқа манбаи бўлмиш китобдан узоклашмоқда. Шу сабабли талаба ёшларимизни китобга бўлган қизиқишини ривожлантириб бориш мақсадида қуйидаги тавсияларни тақлиф этамиз: - ўқув муассасаларида “китобхонлик кеча”ларини ташкил этиш ва турли танловлар эълон қилиш; - ўқув муассасасида шеърлар ёзувчи талаба-ёшлар орасида танловлар эълон қилиш ва ўтказиш; - ёшлар ўртасида истаган шоирларнинг шеърларини ёд айтиш ва ифодали ўқишни тақлиф этиш; - ёшларнинг фойдаланадиган қуроли ёрдамида китобга қизиқтириш, яъни телеграммларида ёки бошқа бир ижтимоий тармоқларида китобга қизиқишини уйғатувчи гуруҳ, каналлар ва ботлар ташкил этиш; ёшларнинг электрон шаклдаги ёзмаларни ўқишларини қизиқишини эътиборга олган холда китобларнинг электрон вариантини ҳам шакллантириш керак. Ёшларимизни маънавий бойлик бўлмиш китобга қизиқишини кучайтиришимиз лозим. Китобни қўлингга олар экансан, унинг саҳифалари варақлаб ўқиб бориш жараёнида ногаҳон ёзувчининг овози қулоғинга чалиниб бораётгандек гуё. Чунки муаллиф зур иштиёқ билан ёзган асарида унинг ҳаётдаги қарашлари ва сезилмаларини англаш мумкин. Энди илмий фаолият олиб боровчи изланувчининг адабиётлар билан ишлаш жараёни тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Илмий ишни ёзиш библиография тузишдан бошланади, яъни мавзуга оид сифатли адабиётларлар билан ишлаш тушинилади. Мавзу буйича тезис ёзишда камида 10а адабиётларни кўриб чиқиш лозим, илмий мақола учун ундан



## E- Global Congress

Hosted online from Plano, Texas, USA.

Date: 20<sup>th</sup> January, 2023

**Website:** <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

кўпроқ, диссертация учун икки юздан ортик адабиётларни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Кўп қиррали илмий тадқиқот йулини босиб ўтган зиёлиларимиздан, қомусий олим Бўри Зиямухаммедовнинг изланувчиларнинг адабиётлар билан ишлашдаги тавсиясини ҳавола қиламиз [2, 194-195 б]. Тадқиқот ишининг аввали, танланган мавзу буйича адабиётларни тўплаш ҳисобланади. Адабиётларлар фақат китоб холида бўлиши шарт эмас, улар илмий журналлардаги мақолалар, илмий конференция материаллари, тадиқиқот ишининг яқунлари, диссертация, диссертациянинг автореферати бўлиши ҳам мумкин. Баъзилар танланган мавзу буйича 10-15та адабиётни тўплаб, шуни ўзи кифоя дейишади. Бу нотўғри албатта. Бу фақат реферат ёки битирув иши ёзишга етарли адабиётлар ҳисобланади. Адабиётларни тўплаганда ҳаммасини бир йула тўплаб олмай, 5-10 дан босқичма- босқич тўпласа ҳам бўлади. Мавзу буйича адабиётларни бир қисмини тўплаб бўлгандан сўнг, тадқиқотчи улар билан ишлай бошлайди. Адабиётлар билан ишлаганда қўйидаги тавсияларга риоя қилиш талаб этилади. Махсус илмий адабиётларни ўқишдан олдин, стол устига учта оқ қоғоз қўйилади ва ҳаммасининг тепасига ўқимокчи бўлган адабиётнинг номи, муаллифи, чиккан жойи, нашриёти, чиккан йили ва умумий ҳажми ёзилади. Биринчи коғозга, китобда изланувчининг тадқиқот ишининг мавзусига тўғри келадиган ва ўзи тўғри деб қабул қилган ихтибосларини кўчириб ёзади ва бу кучирмалар китобнинг қайси бетидан олинганини қайд қилиб боради, Бундай конспект типидagi ёзувлар илмий тадқиқот жараёнида ва диссертациянинг матнини ёзишда аскотади. Иккинчи қоғозда, ўқиладиган адабиётдаги номаълум бўлиб кўринган жойларини кўчириб, китобдаги бетини қайд қилиб қўйилади. Бу ёзувлар, диссертация матнида адабиётларни таҳлил қилишда керак. Учинчи қоғоз кам ишлатилса ҳам, олдингизда туриши шарт. Учинчи қоғозда китобни ўқиш жараёнида тадқиқот мавзуси буйича изланувчида пайдо бўлиб қолган шахсий фикрлар қайд қилинади. Шу тариқа китобларни бирин кетин урганиб чиқиб, улардаги фикрларга қўшилиш ва қўшилмаслик қайд қилинган қоғозлар алоҳида-алоҳида жилдларга жамланади. Адабиётларни ўқиш жараёнида ундаги фикрларга ишонган холда уларни тўлиқ чин деб қабул қилмай, танқид кўригидан ҳам ўтказилиши шарт. Акс холда, изланувчи муаллифнинг фикрига тобе бўлиб, унинг хатосини кура олмай қолиши мумкин. Хатосиз илмий адабиёт бўлиши мумкин эмаслигини доим эсда



## E- Global Congress

Hosted online from Plano, Texas, USA.

Date: 20<sup>th</sup> January, 2023

**Website:** <https://eglobalcongress.com/index.php/egc>

тутиш лозим деб ҳисоблайди олим Бури Зиямахаммедов. Китоб - бу маънавий бойликдир. Хар қандай асарни китоб холига келгунича қанча чиғириклардан ўтади. Китоб бойитилади, пишитилади, китобхонга маънавий зарар етказилиши мумкин бўлган жиҳатлари олиб ташланади. Шундан сўнгина китобхонга маънавий озуқа сифатида тавсия этилади.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолаасини ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // “Ma’rifat gazetasi, 2017-yil, 14-yanvar, 4-son.
2. Зиямухаммедов Б. Бахтли ва фаровон ҳаёт билан рух хотиржамлигини таъминловчи фазилатлар, - Т.: “TAMADDUN”, 2017.
3. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараккиёт, - Т.: Фан, 2004